O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 18 февраль, № 34 (3833) Шанба

ТАРАДДУД

Эрта-индин экиш мавсуми бошланади. Шунинг учун бугун мамлакатимизнинг барча туманларида техника таъмирига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Самарқанд вилояти "Пахтачи" машина трактор парки жамоаси ўз вазифаларини пишиқ, пухта бажаришга одатланишган. Бу йилги таъмирлаш мавсумида ҳам улар ўз анъаналарига содиқ қолишди. Айни кунларда фидойи чилангар, муҳандис ва механизаторлар мавжуд техникаларни талаб даражасида баҳорги экишга шайлаб бўлишди.

— Техникани қанча яхши созласак, ўзимизга шунча осон бўлади, — дейди бош мутахассис Ҳамид Эшқувватов. — Чала созланган трактор ёки комбайн барибир бир кун ё далада, ё кўчада тўхтаб қолади. Кейин унга ортиқча ишчи кучи ва маблағ сарфлаб таъмирлашга тўғри келади. Шунинг учун ҳам жамоамизнинг ҳар бир аъзоси ўз ишига катта масъулият билан ёндашади.

СУРАТЛАРДА: "Кейс" комбайнлари мавсумга тайёр; механизатор Бекназар Очилов.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг "Телерадиоэшиттириш тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, экспертлар, мутахассислар, олий ўқув юртлари журналистика факультетларининг профессор ва ўқитувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган мазкур қонуннинг мақсади телерадиоэшиттириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат эканлиги, у мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий жабҳаларда изчил олиб борилаётган ислоҳотларда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Қонун лойиҳасига телерадиоэшиттириш субъектлари фаолиятини тартибга соладиган кўплаб янги нормалар киритилган. Бундан ташқари унда оммавий ахборот воситалари муассасаларини эркинлаштириш бўйича қатор меъёрлар, хусусан, давлат, жамоат, нодавлат (хусусий) телерадиоташкилотларнинг вазифалари, телерадиоташкилотларини ташкил этиш, телерадиоэшиттириш соҳасида лицензиялаш, телерадиодастурларни оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатдан ўтказиш каби муҳим қоидалар ишлаб чиқилганига эътибор қаратилди.

Лойиҳани тайёрлаш жараёнида қатор ривожланган мамлакатларнинг, шу жумладан, Россия, Германия, Франция, Япония ва Испаниянинг ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари, шунингдек, телерадиоэшиттиришларни тартибга соладиган халқаро қоидалар ўрганилганлиги қайд этилди.

Йиғилишда қонун лойиҳасини муҳокама қилиш давомида ушбу ҳужжат юзасидан бир қанча таклиф ва фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

Сабоқлар таҳлили

***Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида изчил олиб борилаётган ислоҳотлар юртимиз равнақи, халқ фаровонлигининг ошиши ва жамиятимизнинг тубдан янгиланишига омил бўлмоқда. Президентимиз 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари одимлаш бўйича асосий вазифаларни белгилаб берди.*

Вилоятларда бўлиб ўтаётган анжуманларда асосий эътибор ўтган йил сарҳисоби ва Юртбошимиз маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш масалаларига қаратилди.

Наманган

Вилоят фаолларининг 2005 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокими И.Нажмиддинов бошқарди.

Мажлис қатнашчилари вилоятда ўтган йили бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилганини, хусусан, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 6,5 фоиз, саноат моллари 8,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори 3,9 фоизга ўсганини таъкидладилар.

Вилоятда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар натижасида 2005 йилда маҳсулот экспорти ҳажми 26,9 фоизга ортди. Хусусий секторни кенгайтириш, кичик бизнес, фермер хўжаликлари, тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, вилоятда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодиётга сармояларни жалб этиш масалаларига етарлича эътибор берилмади. Кўплаб йирик корхоналар, ишлаб чиқариш субъектларининг молиявий аҳволи талаб даражасида эмас. Банклар фаолияти хўжалик юритувчи тадбиркор ва фермерларнинг эҳтиёжини тўла қондира олмаяпти.

Уй-жой коммунал хўжалиги ва алоқа тизимларида, аҳолини нефть маҳсулотлари, газ ва электр энергияси билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни ҳам қониқарли, деб бўлмайди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар, йўл қўйилган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Жиззах

2005 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилишида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 134,2 фоизга, халқ истеъмоли моллари 119 фоизга ошганлиги қайд этилди. Вилоятда пахта ишлаб чиқариш режаси 111,5 фоиз, ғалла етиштириш эса 102,3 фоизга етди.

Шу билан бирга йиғилишда вилоят иқтисодиётида, қатор тармоқларда йўл қўйилаётган нуқсон ва камчиликлар жиддий танқид қилинди. Хусусан, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмаси камаймаяпти. Кундалик нақд пул тушуми талаб даражасида эмас. Оқибатда шаҳар, туманларда марказлашган мадад пулига доимий эҳтиёж сезилмоқда. Зафаробод, Арнасой, Бахмал, Зомин туманларида эмиссия 55-60 фоизни ташкил этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида жиддий изланишлар зарур. Фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам бериш талаб этилади.

Тадбир иштирокчилари вилоятга хорижий инвестициялар жалб этиш, четга мол чиқариш борасида қатъий ҳаракатлар зарур, деган хулосага келдилар.

Самарқанд

Таъкидланишича, ўтган йили вилоятда кўпгина соҳаларда муайян ютуқларга эришилди. Жумладан, ялпи ички маҳсулот ҳажми 6,4, саноат моллари 12,1, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 5,5 фоизга ўсиши таъминланди.

Аммо мавжуд камчиликларни ҳам тан олиш, уларни бартараф этиш йўлларини излаш лозим. Хусусан, енгил саноатда гарчи умумий ишлаб чиқариш ҳажми ошган бўлса-да, баъзи йирик корхоналар ўтган йилга нисбатан анча кам маҳсулот ишлаб чиқарди.

Шунингдек, йиғилишда вилоятдаги коммунал тўловларнинг аҳволи, ушбу тизим идораларининг аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси кескин танқид қилинди.

И.РАЗЗОҚОВ, ЎзА мухбири.
Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.
Адҳам ҲАЙИТОВ.

КУЧЛИ ИҚТИСОДИЁТДАН – ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЮКСАЛИШИ САРИ

Президент Ислом Каримовнинг республика Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги Ўзбекистон учун чуқур мазмунга эга, дастурий аҳамиятга молик бўлган маърузаси хориж матбуотида, турли мамлакатлар расмий ва экспертлар доирасида шарҳланиши давом этмоқда.

Кўпгина оммавий ахборот воситалари, жумладан, араб дунёсидаги етакчи агентликлардан бири MENA ахборот маҳкамаси, "The Statesman" (Покистон), "Tehran Times" (Эрон), "Ал-Мустақбал" (Миср), "Экспресс-К" (Қозоғистон), "Тожикистон" сингари газеталар ўз саҳифаларида маъруза матнини тўла ёки қисқартирилган ҳолда эълон қилдилар.

"Казинформ" агентлиги тарқатган хабарда республикамиз Президенти маърузасида акс этган кенг кўламли фикрларни келтирар экан, жумладан, қуйидагиларни қайд этади: "ЯИМ ўсишининг барқарор суръатлари эътиборни ўзига тортадики, у кейинги йилларда 7 фоиздан зиёдни ташкил этиб келмоқда. 2000 йил кўрсаткичларига солиштирганда, иқтисодиёт ўсиши 30,1 фоизни, 1991 йилга нисбатан эса — 28,2 фоизни ташкил этди. Юзага келган тенденция — бозор ислоҳотлари ва мамлакатни модернизациялашнинг чуқур ўйланган ҳамда узоқ муддатли дастури юзасидан босқичма-босқич, тизимли, изчил ва қатъий ишлар натижасидир".

Расмий кишилар фикр-мулоҳазалари орасида *Россия Давлат Думаси раиси Б.Гризлов бошчилигидаги парламент делегацияси аъзолари* билдирган фикрларни алоҳида кўрсатиш мумкин. Делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи арафасида ушбу маъруза матбуотда чоп этилган эди. Россия парламенти аъзолари республика ижтимоий-иқтисодий тараққиёти борасидаги муваффақиятларини юқори баҳолашар экан, ушбу маърузада келтирилган рақамлар ва уларнинг таассуротлари ҳамоҳанг эканига бевосита ишонч ҳосил қилишганини билдирдилар.

Украина Ташқи ишлар вазирлигининг учинчи ҳудудий бошқармаси бошлиғи Я.Асмон ва Украина Иқтисодиёт вазирлигининг МДҲ департаменти директори В.Шевченко Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши муваффақиятларини, 2005 йилдаги макроиқтисодий кўрсаткичларнинг изчил ўсишини юқори баҳолашди. Улар бундай натижалар республика раҳбариятининг мамлакатда қонунчилик асосларини такомиллаштиришга, тадбиркорлик фаолияти шарт-шароитларини тубдан яхшилашга катта эътибор қаратаётганининг самараси эканини қайд этишди.

Белоруссиянинг Россия Федерациясидаги элчиси, ЕврАзЭСдаги муҳтор вакили В.Григорьев Ўзбекистон Президенти маърузасидан чуқур қониқиш ҳосил қилгани ҳамда ялпи ички маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги ўсиш суръатларидан, шунингдек, маърузада белгилаб берилган 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасидаги вазифалардан ҳайратланганини айтди.

Ислом Каримов маърузаси **Россия ва МДҲ мамлакатлари илмий жамоатчилиги ва иқтисодий соҳа мутахассислари** орасида ҳам катта акс-садо берди. Жумладан, *Россия Фанлар академияси иқтисодиёт институтининг директори Р.Гринберг* МОҲТ билан ЕврАзЭС ўзаро қўшилганини назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Президентининг маърузаси МДҲ муаммолари билан шуғулланувчи росмиялик олим ва мутахассисларнинг тадқиқотлари учун муҳим манба эканлигини таъкидлади. Шундан келиб чиққан ҳолда у 2005 йилда ижобий иқтисодий кўрсаткичларга эришган Ўзбекистон ўз тараққиёти режаларини мувофиқлаштириши асосида жорий йилда ижтимоий-иқтисодий соҳада янада собитқадам ривожланиши мумкин, деб ҳисоблайди.

*Россия Стратегик ва сиёсий тадқиқотлар маркази вице-президенти И.Звягельская*нинг фикрича, ушбу маъруза муҳим дастурий ҳужжатдир. Унда 2005 йилда мамлакат иқтисодиётини ислоҳ этишдаги ютуқлар билан бир қаторда ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишлари ҳам белгилаб берилган. Унинг таъкидлашича, ушбу маъруза давлат истиқболларини янги ёндошувлар инъикосида кўришга интилаётган кўп сонли ёшлар учун долзарб ва зарурий мурожаат бўлди.

И.Звягельская Ўзбекистон ўз салоҳиятига монанд равишда ривожланишга қодир бўлган қудратли мамлакат эканлигини қайд этди. Унинг фикрича, бу жуда муҳим жиҳат, зотан Ўзбекистон ўз даврида МДҲнинг бошқа аксарият мамлакатларида рўй берган фалаж қилиб даволашнинг олдини олишга муваффақ бўлган.

(Давоми 2-бетда).

Ҳавода баҳор нафасини туя бошладик. Табиат яшариш-яшнаш арафасида. Ҳадемай Наврўз байрамини нишонлаймиз. Наврўз мингминг йиллардан бери эл-улус орасида қутлуғ шодиёна тарзида нишонланган. Аждодлардан мерос бу удум мустақиллик йилларида янгича қиёфада муносиб давом эттирилмоқда.

Наврўз айёми яқин

Наврўзнинг халқ сайли кўринишида ўтказилишидан муддао, жойларда фақат тантаналарни, базмларни уюштириш эмас, ҳар бир маҳалла, гузарда ободончилик ишларини амалга оширишдек эзгу истак бор. Ҳашарларда халқимизнинг улкан яратувчилик салоҳияти намоён бўлади.

Одатда байрамларда зиёфатлар, меҳмондорчиликлар бўлади, турфа таомлар тайёрланади. Наврўз кунларида беморлар, ёлғизлар, боқувчисини йўқотганларни йўқлаш удумга айланган. Бу Наврўзнинг халқчил айём, эзгулик элчиси эканлигига яна бир далилдир.

"Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб ном олган жорий йилда, инсоний хислатлар намоён бўлишига ишончимиз комил. Шу маънода, яшнаш-яшариш, меҳнат ва бунёдкорлик байрами бўлган Наврўз билан элимиз орзу-аъмоллари, ният-мақсадларини ўзида яна бир карра акс эттирган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» ўртасида уйғунлик мавжуд. Наврўз бизда давлат миқёсида ардоқланмоқда. Халқимиз уни ҳар йили энг суюкли айём сифатида нишонламоқда. Навоий бобомиз эзгу ният қилиб айтганларидай, ҳар кунинг Наврўз бўлсин, эй она юрт!

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

"Ўзбекистон темир йўллари "давлат акциядорлик компанияси йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида пойтахтдан республикамизнинг турли ҳудудларига қўшимча поездлар қатновини йўлга қўйди.

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

— Йўловчилар сони ошгани инобатга олиниб, Тошкент-Урганч-Тошкет поезди қатнови кўпайтирилди, — дейди "Ўзтемирйўлйўловчи" очиқ акциядорлик жамияти директори ўринбосари Шавкат Нурматов. — Шунингдек, Тошкентдан Ангренга қатнайдиган поездларининг қатнови ҳар куни амалга оширила бошланди.

ЎзА.

Ислоҳот одимлари

Доминикан ўйинларида ўзбек кураши

Хушхабар

Курашимиз Доминикан Республикаси спорт ўйинлари қаторидан жой олганлиги ҳақида хабар бергандик.

18-25 февраль кунлари сайёҳлик маркази Санто Доминго шаҳрида бўлиб ўтадиган Доминикан Республикаси ўйинлари дастурига енгил атлетика, бадминтон, баскетбол, гандбол, бокс, қиличбозлик, футбол, спорт гимнастикаси, хоккей сингари Олимпиада оиласига мансуб спорт турлари киритилган. Ана шу спорт турлари қаторидан бизнинг курашимиз ҳам жой олганлиги барча юртдошларимиз қалбини ғурурга тўлдириши табиий. Буни, ўз навбатида, Олимпиада ўйинлари қаторига кириш учун қўйилган дадил қадам деб баҳолаш мумкин.

Дастурга кўра, кураш мусобақалари 18-19 февраль кунлари ўтказилади.

З. ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

КУЧЛИ ИҚТИСОДИЁТДАН — ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЮКСАЛИШИ САРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу маънода, ушбу ҳужжат ҳозирги босқичда иқтисодиётдаги тизимли ислоҳотларни амалга ошириш учун асосий дастур бўлиб хизмат қилади. И.Звягельская Ўзбекистон Президенти маърузаси мамлакатнинг тизимли ривожланиш янги шаклларига ўтишга тайёр эканлигидан далолат беришини алоҳида таъкидлади.

*МДХ мамлакатлари институти директорининг ўринбосари В.Жарихин*нинг қайд этишича, маърузада республиканинг 2005 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожланишини яққол акс эттирган рақам ва ахборот кўрсаткичлари ҳам ўз аксини топган. Шу муносабат билан В.Жарихин Ўзбекистон иқтисодиётининг асосий ютуқларидан бири сифатида ўтган йилги ижобий ўсиш суръатларига алоҳида урғу берди. Бироқ экспертни, айниқса, ҳайратга солган кўрсаткич бу "ЯИМ ҳажмининг 1991 йилдагига нисбатан 28,2 фоизга ўсгани бўлиб, бунга Россия Федерацияси ҳам, Қозоғистон ҳам ва қолаверса, МДҲнинг бошқа кўпгина мамлакатлари ҳам ҳавас қилса арзийди".

*Қозоғистон тараққиёт институти президенти М.Спанова*нинг сўзларига қараганда, "Ўзбекистонда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўсиши сўнгги пайтда республика иқтисодиётида рўй бераётган салмоқли ижобий ўзгаришларнинг натижаси бўлиб, бу кишини қовонтирмай қўймайдиган ҳолдир". У иқтисодий ислоҳотларнинг ўзбек модели жиддий ўрганишга молик экани ва у жуда муҳим қизиқиш уйғотаётганини қайд этди. Зотан, унинг фикрича, "Қозоғистон иқтисодиётининг ўсиши кўпроқ хомашё омилига боғлиқ, ваҳоланки, ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиб бораётгани Ўзбекистонга хосдир".

*Озарбайжондаги "Humanist" республика газетаси бош муҳаррири Т.Гейдаров*нинг фикрича, маъруза "яқин ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган дастурий ҳужжат бўлиб, амалда мамлакат ва жамият тараққиётининг ҳамма томонларини қамраб олган, қўйилган устувор мақсадларга эришиш тактикасини аниқ-тиниқ белгилаб берган". Унинг айтишича, биринчи галдаги вазифалар сифатида "Ўзбекистон раҳбари солиқ ислоҳотини жадаллаштириш, солиққа тортилиш тизимини соддалаштириш ва унификациялаш зарурлиги ва, айниқса, солиқ тарифларининг қисқартилиши масаласини жуда ўз вақтида ва тўғри қўйган, негаки давлат ғазнасининг тўлиб бориши, самарали ва салоҳиятли бюджетни шакллантириш кўп жиҳатдан айнан бу соҳадаги ўзгаришларнинг муваффақиятига боғлиқдир".

"Билик дуньяси" (Билим дунёси) нашриёт уйининг бош директори Г.Третьяков Ўзбекистон Президентининг устувор йўналишлар ва жамият тараққиёти босқичларини белгилашга тизимли ва илмий тарзда ёндошаётгани унга жуда маъқул эканлигини таъкидлади. У маърузада айтиб ўтилган тайёр ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга туртки бериш орқали саноат ва қишлоқ хўжалигидаги бандликни таъминлаш нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамиятга ҳам эга экани, одамлар фаровонлигининг ошиши, улар меҳнатига яраша ҳақ олиши кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқлиги, бу эса ўз навбатида, "ижтимоий тарангликни ва жамиятнинг баъзи қатламларидаги ишончсизликни пасайтиришга хизмат қилиши" тўғрисидаги тамойилни жуда тўғри, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, экспортнинг рағбатлантирилиши ва давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳам жуда долзарбдир, чунки инсоний, табиий ва интеллектуал ресурсларга эга бўлган Ўзбекистон бу борада улкан салоҳиятга эга. Шу муносабат билан Г.Третьяков Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши божхона ва солиқ соҳасидаги ислоҳотларнинг тезлашишига олиб келажагига ишонч билдирди. У, шунингдек, маърузанинг республика фуқаролари учун амалий аҳамиятга эга бўлган суд-маъмурий тизими соҳасидаги ислоҳотларга, давлат идораларининг хўжалик юритувчи субъектлар, хусусий бизнес билан шуғулланаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш функцияларини камайтириш лозимлиги таъкидланган қисмига ҳам эътибор қаратди. Унинг таъкидлашича, бу "барча ривожланган мамлакатларда ҳукуматнинг асосий таянчи бўлган жамият ўрта қатламини мустаҳкамлашга кўмаклашади".

Осиё мамлакатлари ва ислом давлатларининг экспертлари Ўзбекистон иқтисодий салоҳияти билан бир қаторда мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий трансформация моделига ҳам катта қизиқиш билдиришиб, мамлакатимизнинг бутун Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодиёт соҳасидаги тараққиёт, шу билан бирга, хавфсизлик масалаларидаги алоҳида ўрнини қайд этишмоқда.

Ўзбекистоннинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши натижаларига *Японияда "Nomura Research Institute" "NRI" таҳлилчи институтининг маслаҳатчиси Т.Тамада* ҳам юқори баҳо берди. Унинг фикрича, Ўзбекистон ва унга қўшни бўлган Марказий Осиёнинг бошқа давлатларидаги ислоҳотларнинг қиёсий таҳлили мамлакат раҳбарияти томонидан босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигидан далолат беради.

Т.Тамада хусусий сектор молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назоратчи тизимлар аралашувини кескин қисқартириш борасидаги республика ҳукумати ёндошувининг долзарб эканини таъкидлади. Японияли экспертнинг фикрича, бу корхоналарнинг мустақил фаолият кўрсатиш ва рақобатбардошлигини ошириш имконини беради.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) бош котиби ўринбосари Сухроб Шаҳобий ҳам Ўзбекистоннинг 2005 йилдаги иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини ижобий баҳолади. Унинг сўзларига қараганда, иқтисодиётда эришилган ижобий натижалар ички барқарорлик ва мамлакат раҳбариятининг минтақадаги хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг самараси бўлди. У, шунингдек, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ижобий тажрибаси таҳлили ташкилотнинг шу ой охирида чоп этиладиган бюллетени саҳифаларидан жой олишини ҳам маълум қилди.

Индонезия ТИВ масъул ходими З.Арифин ҳам Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг маърузасини катта қизиқиш билан ўқиб чиққанини айтди. "Аввало, маъруза билан танишиб шунга ишонч ҳосил қилдимки, замонавий Ўзбекистон ЯИМ йиллик ўсиш ҳажми 7 фоиздан зиёдни ташкил этгани ҳолда барқарор ривожланиб бораётган мамлакатдир. Сўнгги пайтларда иқтисодиёти катта суръатлар билан ривожланиб бораётган Хитой ва Ҳиндистон тўғрисида кўп гапирилмоқда. Энди мен ўзим учун сизнинг мамлакатингизни кашф этдимки, у юқорида номлари келтирилган давлатлардан қолишмаган ҳолда иқтисодий тараққиёт йўлида ишонч билан ҳаракатланмоқда.

Мустақилликнинг 15 йили давомида юртингиз оёққа мустаҳкам туриб олишга муваффақ бўлди, у барқарор макроиқтисодий кўрсаткичларга эга, ва муҳими, тараққиёт йўлида шахдам қадам ташлашда давом этмоқда. Маълумки, тараққиётнинг бир моделидан иккинчисига ўтиш кўпгина муаммолар билан боғлиқ. Шу маънода, мамлакатингиздаги бозор иқтисодиётини шакллантиришга қаратилган ислоҳотлар ва бу йўлда қўлга киритилаётган натижалар янада катта салмоқ касб этади. Президент маърузасида ўз ифодасини топганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришлар халқнинг турмуш даражасини оширишга қаратилган. Ҳукуматингиз режалаштирганидек, 2006 йилда маошларни яна ошириш ва аҳолининг аниқ даромадлари ҳажмини кўпайтириш борасида кўрадиган чора-тадбирлари менда тассурот қолдирди".

Миср парламенти юқори палатасининг Ташқи сиёсат ва мудофаа бўйича қўмитаси раиси Маҳмуд Басюний Президент И.А.Каримов маърузасини шарҳлар экан, Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёт йўлида эришган иқтисодий кўрсаткичлари амалга оширилаётган ислоҳотларнинг аниқ-равшан натижаси эканини қайд этди. М.Басюний мамлакатимиз раҳбарининг ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки фуқаролар фаровонлигини яхшилаш учун ўтказилиши тўғрисидаги сўзлари Миср учун ҳам долзарб эканини таъкидлади.

"Жаҳон" АА.

«Нуроний»нинг муруввати

Ўтган йили Республика «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгаши Зомин туманидаги Ём қишлоғида жойлашган «Мурувват уйи»га 2 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатганди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг дастлабки кунлариданоқ жамғарма ўз мурувватини кўрсата бошлади. Бу ерда даволанаётган ногиронларга 600 минг сўмлик асабни тинчлантирувчи, қон босимини туширувчи ва бошқа зарур дори-дармонлар келтирилди.

Жамғарманинг вилоят бўлими бошлиғи Ислом Хушиевнинг таъкидлашича, ногирон, даволанишга муҳтож ўғил-қизларга бу каби ҳомийлик ёрдамлари кўрсатиш йил бўйи давом этади.

Айнан ҳомийлар ташаббуси билан «Мурувват уйи» ҳудуди ободонлаштирилгани, «Ота-оналар хонаси» қурилиб, ёзги павильон фойдаланишга топширилгани эътиборга моликдир.

Баҳриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дўкондан дазмол харид қилдингиз. Сотувчи молни сизга беришдан олдин ишлатиб кўрсатди. У рисоладагидек қизиди. Дазмолни уйга олиб келдингиз. Уни ишлатмоқчи бўлган турмуш ўртоғингиз ҳозир олиб келган матоҳингиз ишламаётганини айтди. Шундан сўнг дазмолни дўконга олиб бордингиз. Лекин сотувчи уни қайтариб олишдан бош тортди. Молни олаётганингизда сотувчи сизга чек ҳам, кафолат талони ҳам бермаган эди. Шунинг учун пулини қайтариб беришни хоҳламади. Ҳатто, қаёққа борсанг боравер, деб ҳақорат ҳам қилди. Хўш, шундай пайтда харидор нима қилиши керак? Унинг ҳуқуқини ким ҳимоя қилади?

ЭНГ ИҚТИДОРЛИ ИСТЕЪМОЛЧИГА — КОМПЬЮТЕР

Мамлакатимизда «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» Қонун қабул қилинганига анча бўлди. У истеъмолчиларнинг барча ҳуқуқларини қонун йўли билан ҳимоя қилади. Лекин бу қонуннинг мукаммал ишлаши учун, аввало, истеъмолчи ўз ҳуқуқини билиши керак. Бунинг учун эса барчага, жумладан, ёшларга ҳам қонунларни ўргатиш лозим.

Шу мақсадда Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ҳамда республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорликда «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2006» кўрик-танловини ўтказмоқда. Унда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тизимидаги 959 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида таълим олаётган 897 мингдан кўпроқ ўқувчи қатнашаяпти.

Кўрик-танловни ўтказишдан асосий мақсад мазкур тадбирга иложи борича кўпроқ ўқувчиларни жалб этиш, уларнинг ҳуқуқий билимларини янада ошириш, шунингдек, ёшларни истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ижтимоий ҳаракатига жалб этишдан иборат. Бундан ташқари, танлов мамлакат ички истеъмол бозорида сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарлар сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ҳам катта ёрдам беради.

— Кўрик-танлов тўрт босқичда ўтказилади, — дейди республика истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси вазифасини бажарувчи Рустам Ҳакимов. — Биринчи босқич 1-14 февраль кунлари коллеж ва лицейларда бўлиб ўтди. 28 февралгача эса туманларда иккинчи босқич мусобақалари ўтказилади. Унда коллеж ва лицейлардаги танловлар ғолиблари қатнашади. Бу баҳсларда ғолиб чиққан ўқувчилар эса танловнинг 1-10 март кунлари бўлиб ўтадиган вилоят босқичларига йўл олишади.

Танловнинг республика босқичи ғолиби 15 март — Халқаро истеъмолчилар кунида аниқланади. Унда вилоят босқичларида биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган 28 ўқувчи иштирок этади.

Ташкилотчиларнинг таъкидлашларича, ғолибларга компьютер, мусиқий марказ, рангли телевизор каби қимматбаҳо совғалар топширилади.

Беккул ЭГАМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Прокуратура фош этади

КУШАНДАЛАР

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти қабул қилинаётган қонунларни ҳаётга татбиқ этилишига эришиш, уларнинг кундалик турмушимизда самарали ишлашини таъминловчи таъсирчан механизм яратишдан иборат. Инсонпарварлик йўлидан бораётган давлатимиз бу эзгу мақсад рўёби борасида, яъни қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашишда жазонинг оғирлиги, шафқатсизлиги эмас, биринчи навбатда қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини англаб етишига эътибор қаратмоқда. Буни биргина жиноий жазоларнинг либераллаштириб борилаётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Таассуфки, ҳаётда бугунги ҳуқуқий ислоҳотлар мазмун-моҳиятини ҳис эта олмайдиган, инсонпарвар сиёсат аҳамиятини вақтида англаб етмаётган фуқаролар ҳам учраб турибди. Бундайларнинг мансабдор шахслар, масъул лавозимдаги кишилар орасида мавжудлиги ачинарли. Бу тоифа кишилар ўзларига билдирилган ишонч, масъулиятни тўғри англаб, ҳалолпоклик, фидойилик билан оқилона фаолият юритиб, аввало, ўзлари раҳбар этиб тайинланган корхона равнақини таъминлаш, қолаверса, иқтисодий ислоҳотлар ривожига ҳисса қўшиш ўрнига амал курсисини ғанимат билиб «Давринг келди суриб қол» қабилида иш тутадилар. Оқибатда, улар бош бўлган жамоада талон-торожлик, эл-юрт мулкини «туя қилиш» авж олади.

Наманган вилояти прокуратураси иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлими айрим корхоналардаги шундай жиноятларни фош этди.

«Намангандонмаҳсулот» акциядорлик жамияти вилоятдаги йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири. Раҳмонжон Назаров 2000 йилнинг январь ойида шу корхонага раҳбар этиб тайинланади. Маълумки, мамлакатимизнинг ғалла мустақиллигига эришиш борасидаги изчил сиёсати, халқ ҳаётининг янада тўкин ва фаровонлигини таъминлашда дон маҳсулотлари корхоналарининг ўрни беқиёс. Р. Назаров шундан келиб чиқиб, зиммасига қанчалик залворли масъулият юклатилганини ҳис этган ҳолда иш ташкил этиши лозим эди. Даставвал шундай бўлди ҳам. Бироқ, йиллар ўтгани сайин раҳбарлик салоҳияти ортиб, акциядорлик жамияти ривожи йўлида янада ижобий фаолиятга интилиш, жамоа манфаатлари ҳақида қайғуриб, ҳурмат-эътибор топиш ўрнига балои нафс измига бўйсунди. Оқибатда мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, хуфя ишларга киришиб кетди.

2003 йилнинг 1 ноябрида «Андижон ун» қўшма корхонасини ижарага олиш тўғрисида шартнома имзоланган эди. Р. Назаров дастлабки қалтис ишни ана шу қўшма корхонанинг дон омбори мудири С. Нажмитдинов, тайёр маҳсулот омбори мудири ва тегирмон бошлиғи вазифаларида ишлаган А. Шомирзаев билан тил бириктириб амалга оширади. Бошлиқ С. Нажмитдиновга зиммасидаги буғдойнинг 7.300.676 кг.ини А. Шомирзаевга топшириб, бу маҳсулотни ҳисоботларда кўрсатмаслик ҳақида топшириқ беради. Шу тарзда 7.300.7 тонна буғдой талон-торож қилиниб, корхонага 691.536.090 сўм миқдорида зарар етказилади.

Бу иш ими-жимида амалга оширилгани учун биров сезмаганидан руҳланган Р. Назаров навбатдаги «операция»га киришди. Бунинг учун дастлаб ўз қўл остида ғаллахона бошлиғи вазифасида ишловчи Р. Муродов ва Янгиқўрғон дон қабул қилиш шохобчаси раҳбари бўлган О. Мирзаев билан маслаҳатлашиб олди.

Учовлон гапни бир жойга қўйгач, ишга киришиб кетдилар. Р. Назаров ғаллахона бошлиғи Р. Муродовга аслида Янгиқўрғон дон қабул қилиш шохобчасидан «Намангандонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамиятига келмаган 2.172.440 кг. буғдойни жамиятга кирим қилиш тўғрисида оғзаки буйруқ беради. Жамиятда лаборатория бошлиғи вазифасида ишлаётган Б. Қўлдошев, лаборант Ш. Алмаев, И. Ҳусанов ва Ш. Муллажоновлар худди шундай буйруқ билан қабул қилинмаган буғдой учун қалбаки лаборатория таҳлилларини амалга оширадилар. Табиийки, Янгиқўрғондан Наманганга ҳеч қандай ғалла ташиб келинмаган эди. Аммо устамон раҳбар Р. Назаров иш пухта бўлиши учун ҳаттоки буғдой ташимаган машиналарни жамиятнинг дарвоза журналига қайд қилдириб қўйишни унутмайди. Бу ишни соқчилар Э. Каҳҳоров ва И. Мансуров қойилмақом қилиб уддалашади. Бу галги ўзлаштириш миқдори 190.339.114 сўмни ташкил этади.

Тергов-суриштирув ҳаракатлари жараёнида Р. Назаров ўз атрофига жамлаган 11 нафар шахс иштирокида 17.848 тоннаю 590 килограмм буғдойни ноқонуний ўзлаштириш йўли билан акциядорлик жамиятига 1.682.741.853 сўм зарар етказганлиги аниқланди.

Худди шу тарздаги мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ иқтисодий жиноятчилик «Наманган экстракт ёғ» очиқ акциядорлик жамиятида ҳам аниқланди. Жамият раиси лавозимига тайинланган Равшан Нўъмонов муқаддам судланиб, амнистия актига кўра, жазодан озод этилган бўлса-да, бундан тўғри хулоса чиқариш ўрнига, қайта жиноят йўлига кириб жамиятнинг катта миқдордаги мулкини талон-торож этади.

Тергов ҳаракатлари жараёнида у ўз мансаб ваколатидан қасддан фойдаланиб, ҳиссадорлик жамиятидаги айрим моддий жавобгар шахсларнинг текин даромад орттиришига шароит яратиб берганлиги фош этилди. «Марҳаматли» раҳбарнинг «ғамхўрлиги»ни айни муддао билган ғумашталари жамият мулкини ўз билганларича пинхона «туя қилиб» келишган экан. Уларнинг «саъй-ҳаракатлари» натижасида жамиятга етказилган зарар миқдори 85.281.297 сўмни ташкил этди.

Иқтисодий жиноятлар ҳақида гап кетганда қўшиб ёзиш, ҳужжатларни сохталаштириш, қаллоблик каби иллатларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки эл-юрт мулкини туя қилишни касб этганлар одатда кўпинча ўз қилмишини хаспўшлашда шу усуллардан фойдаланишади.

«Учқўрғон пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятида содир этилган жиноятларни ниқоблашда ҳам айнан шу усул қўл келган.

Ҳиссадорлик жамияти раиси бўлган Нозимхон Зайниддинов қариндошларни қўллашни унутиб қўядиганлардан ҳам эмас экан. Унинг яқин қариндоши, аниқроғи, тоғаси Алохўжа Обидов ҳиссадорлик жамиятида товаршунос бўлиб ишларди. Тоғасининг зиммасида жуда кўп миқдорда камомад борлигини билган бошлиқ бу «чигал»ни ечишда ўзига хос тадбир қўллайди. Бунинг учун, аввало, тоғаси билан жиноий тил бириктиради. Сўнгра Қайқи пахта қабул қилиш масканининг 2-зона товаршуноси бўлган Одилжон Раҳматуллаевни ёнига чорлаб, у билан ҳам гапни бир жойга қўйгач, ишга киришадилар. Натижада О. Раҳматуллаев зиммасида бўлган 474 тонна 108 млн. сўмлик 2 навли пахта ҳужжатларни қалбакилаштирган ҳолда А. Обидов зиммасига ўтади.

Биргина шу эмас. Илк уринишни кўнгилдагидек амалга оширган тоға-жиян ёнларига ишончли, «оғзи маҳкам» шерикларни олиб, энди жиноий фаолиятни кенгроқ миқёсда давом эттирадилар. Оқибатда «Учқўрғон пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамиятида қатор талон-торожлар, ўзлаштириш ҳолатлари содир этилиб, жамиятга 313.466.281 сўм миқдорида зарар етказилди. Бу қилмишларда Н. Зайниддинов, А. Обидов, О. Раҳматуллаевдан ташқари жамиятнинг тайёр маҳсулот бўлими бошлиғи С. Меҳмонов, тола товаршуноси А. Жўраев ва тумандаги «Андижон», «Қайқиобод», «Қўчқор ота», «Учқўрғон», «Жалолобод», Охунбобоев номли ширкат хўжаликларининг мансабдор ва моддий жавобгар шахслари ҳам иштирок этганлиги аниқланди.

Ҳар учала жиноят юзасидан айбдорларга нисбатан суд томонидан тегишли жазо тайинланди. Етказилган зарарлар тергов жараёнида айбдорлар томонидан тўлиқ қопланишига эришилди.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар жиноятларнинг камайишига самарали таъсир кўрсатади.

Ҳусниддин МАДАМИНОВ, Наманган вилояти прокуратурасининг бўлим бошлиғи, адлия маслаҳатчиси.

МАДАНИЯТ янгиликлари

Ахсикентда ғазалхонлик

Заҳириддин Муҳаммад Бобур болалик йилларининг гувоҳи — Ахсикентда шоҳ ва шоир таваллудининг 523 йиллиги кенг нишонланди.

Тўрақўрғон тумани ҳудудида жойлашган ушбу қўрғон Бобур ҳаёти билан боғлиқ тарихий воқеаларнинг шоҳиди бўлган.Айни пайтда бу ер халқимизнинг муқаддас қадамжоларидан бирига айланган.

Тадбир иштирокчилари Бобурнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапирдилар. Сўнгра ғазалхонлик, мушоира авжига чиқди. Кеча сўнгида санъаткорлар ижросида шоир ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар йиғилганларни хушнудлик бахш этди.

Савобни бутун қилаётганлар

Шукур Саъдулла номидаги 11-умумтаълим мактаб кутубхонаси Жиззах шаҳри мактаблари кутубхоналари орасида энг бойи саналади. Бунга бир жиҳатдан ҳомийлар ҳам сабабчи.

Негаки, янги ўқув йилининг дастлабки кунларидан бошлаб 8-дон маҳсулотлари корхонаси зиёхона жиҳозларини таъмирлаш, янгиларини ясаш учун қурилиш материаллари ажратган бўлса, мактабнинг собиқ битирувчилари 100 минг сўмлик китоб совға қилди. Эзгулик бошқаларни ҳам руҳлантириши рост экан. Мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари қам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўз ҳисобларидан зарур ўқув қуроллари олиб беришди.

Айни пайтда мактабда янги спорт зали қурилиши бошланди, мажлислар зали қайта таъмирланмоқда.

— Фарзандларимизнинг билимларни қунт билан эгаллашлари учун фанларни чуқур ўргатадиган, ихтисослашган синфлар сонини кўпайтиряпмиз, — дейди мактаб директори Муқаддас Жўраева. — Шу боис ҳам ўқувчиларимизу ўқитувчиларимиз орасида турли танловларнинг республика, вилоят босқичи ғолиблари кўпчиликни ташкил этмоқда.

«Профессор Баджаҳлнинг кашфиёти»

Сўнгги пайтларда Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма ва ҳажвия театри жамоаси болалар учун ҳам бир-биридан сермазмун, тарбиявий аҳамиятга молик саҳна асарларини намойиш эта бошлади.

Яқинда болалар учун саҳналаштирилган "Профессор Баджаҳлнинг кашфиёти" номли асарни томошабинлар ҳукмига ҳавола этди.

И. Турсунов ва С. Одилов қаламига мансуб асардаги бош ролларни Х. Иқромов, А. Исоқов, К. Валиева сингари актёрлар ижро этишмоқда. Спектакль нафақат болаларга, балки катталарга ҳам ғоят манзур бўлаётир.

«Гулшан» — хабарчи

"Гулшан" Наманган шаҳридаги муҳандислик-иқтисодиёт институтида ташкил этилган радиотармоқнинг номи. Ҳафтада бир бор ҳаво мавжларида янграйдиган "Гулшан"нинг туркум эшиттиришлари, давра суҳбатлари, маҳаллий, шунингдек, дунё хабарлари борасидаги янгиликлари барчага манзур бўлмоқда.

— Эшиттиришларимизнинг сермазмун, танланган мавзуларнинг ранг-баранг бўлишида яратилган шароит асқотмоқда, — дейди иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича услубчи Муяссархон Абдуллаева.

Айни пайтда "Гулшан" тўлқинларида ёш иқтидор соҳиблари фаолияти ҳақида туркум лавҳалар бериб бориш режалаштирилаётир.

Катта тўй олдидан

Қашқадарё вилоятида Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Айниқса, вилоят санъаткорлари қутлуғ тўйга атаб катта тўёна ҳозирлашаётир.

М. Тошмуҳамедов номидаги вилоят театри ва "Эски мачит" театр студияси тарихий қаҳрамонларни ифодаловчи саҳнавий томошалар билан чиқишса, "Ўзбекрақс", "Ўзбекнаво" бирлашмаларининг вилоят бўлимлари Қашқадарёга хос бўлган қўшиқ ва рақслар тайёрлашмоқда.

Энг яхши музей

Музейлар мозий билан бугунни боғловчи маънавият кўприклари ҳисобланади. Ана шундай маънавият ўчоқларидан бири — Сурхондарёдаги Археология музейи халқаро доирада "Энг яхши музей" деб эътироф этилди.

Гап шундаки, бундан тўрт йил муқаддам ташкил этилган ушбу даргоҳ олимлари жиддий илмий изланиш олиб бордилар. Музейда амалга оширилаётган кашфиётлар, изланишлар ва унинг натижалари интернетда мунтазам ёритиб борилди.Натижада, мазкур музей халқаро "Музейлар кўрик фестивали" ғолибларидан бирига айланди. Айни пайтда бу ерда 30 мингдан зиёд ноёб экспонатлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммаси Сурхон воҳасидан топилган буюмлар ҳисобланади.

Нурмамат Алмуродов олган ушбу суратда музейнинг илмий ходими Нилуфар Худойбердиева томошабинлар билан суҳбатлашаётган пайти тасвирланган.

Хабарларни "Халқ сўзи" мухбири М. ХОЛМАТОВА, республика Маданият ва спорт ишлари вазирлиги масъул ходими М. КАРИМОВА тайёрлашди.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Кеча АҚШ президенти Жорж Буш Ироқ ва Афғонистондаги ҳарбий амалиётлар учун конгрессдан қўшимча 72,4 миллиард доллар маблағ сўради, деб хабар беради Reuters.

Яна пул керак

Президентнинг режасига мувофиқ, бу маблағнинг 65,3 миллиарди Пентагонга — ҳарбий компанияларни бевосита молиялаштириш учун, қолган қисми АҚШ давлат департаменти ва разведка хизматига йўналтирилади. Эслатиб ўтиш жоизки, Пентагоннинг 2007 йилга мўлжалланган бюджетида ҳарбий операцияларни давом эттириш учун 50 миллиард доллар ажратиш белгиланганди, бироқ Бушнинг фикрича бу пул етарли эмас. Агар конгресс президент талабини қондирса, 2001 йилдан буён Афғонистон ва Ироқдаги урушга ажратилаётган маблағларнинг умумий миқдори 500 миллиард долларга етади.

Жангарилар йўқ қилинди

Доғистоннинг Нўғай районида бўшаб ётган маҳаллий мактаб-интернат биносига яширинган жангариларни зарарсизлантириш бўйича махсус амалиётлар якунланди. Амалиётлар чоғида республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир нафари ҳалок бўлган, яна бири оғир яраланган. Дастлабки маълумотларга қараганда, жиддий қаршилик кўрсатган жангариларнинг иккаласи ҳам йўқ қилинди.

Ҳозир бу бино сапёрлар ва тезкор-қидирув бригадаси томонидан текширилмоқда.

«КоммерсантЪ» сотилади

Россиялик бизнесмен Борис Березовский ўзига қарашли «КоммерсантЪ» нашриёт уйини ва у билан бирга бошқа мулкларини ҳам сотишга қарор қилди, деб хабар беради «Ведомости» газетаси. Ҳозирча асосий харидор сифатида нашриёт уйи акцияларининг маълум қисмига эгалик қилаётган грузиялик Бадри Патаркацишвили тилга олинмоқда. «Ведомости» газетасига берган интервьюда Березовский ушбу олди-сотди, ҳақиқатан ҳам, амалга оширилаётганини тан олган бўлса-да, унинг тафсилотларига тўхталмади. Иқтисодчиларнинг фикрича, нашриёт уйининг нархи бир неча миллиард рублни ташкил этиши мумкин.

Кураш 50 йилга чўзиладими?

Скотланд-Ярднинг антитеррор бўлими раҳбари Питер Кларкнинг баёнот беришича, «Ал-Қоида» ташкилотига қарши уруш яна камида эллик йил давом этади. Лондонда ўтказилган терроризм муаммоларига бағишланган конференцияда чиқиш қилар экан, Кларк яқин беш-ўн йил ичида «Ал-Қоида»ни бўйсундириш ҳақиқатдан узоқ эканлигини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, ҳозир Буюк Британияда 60 га яқин киши терроризмда айбланиб, ҳибсга олинган.

Испания шимолида портлаш

Пайшанба куни кечқурун Испания шимолида жойлашган Басклар ўлкаси музофотида портлаш содир этилди. Портловчи мослама Трапага шаҳридаги қурилиш компанияси биносига қўйиб кетилган экан. Reuters агентлиги хабарида айтилишича, портлашдан бир соат аввал ЕТА радикал гуруҳи аъзоси маҳаллий газета таҳририятига қўнғироқ қилиб, тайёрланаётган теракт ҳақида огоҳлантирган. Ушбу қўнғироқдан сўнг хавфсизлик ходимлари бинодаги барча ишчиларни эвакуация қилишга улгурди ва натижада ҳеч кимга шикаст етмади. Хабарда айтилишича, кейинги пайтларда гуруҳ томонидан хусусий тадбиркорларга ҳужумлар қўпайиб бормоқда. 1968 йилдан буён ЕТА айирмачилар гуруҳи томонидан амалга оширилган терактлар оқибатида ҳалок бўлганлар сони 850 нафардан ошиб кетган.

Словенияда қушларнинг парранда гриппидан нобуд бўлгани аниқланди, дейилади Associated Press агентлиги хабарида.

Грипп Словенияга етиб борди

Мамлакат ҳукуматининг махсус баёнотида айтилишича, Австрия билан чегарадош ҳудуддаги Марибор шаҳридан топилган оқ қуш танаси текширилганда, H5N1 вируси аниқланган. Қуш нобуд бўлган ҳудудда 3 чақирим доирасида карантин эълон қилинди. 10 чақиримлик радиусда одамлар ва қушлар саломатлиги қаттиқ назорат остига олинди. Яқин атрофдаги фермалардаги барча хонаки қушлар йўқ қилиб юборилган. Мамлакат раҳбарияти ҳозирча аҳоли соғлиғига таҳдид қилувчи жиддий хавф йўқ бўлса-да, одамларни ёввойи қушларга яқин бормасликка чақирди.

Қисқа сатрларда

ҲАМАС гуруҳи Фаластин мухториятининг бош вазири лавозимига 43 ёшли, прагматик сиёсатчи сифатида танилган Исмоил Хоний номзодини илгари сурди.

***

Олимлар томонидан Кариб денгизи остидан ҳалигача фанга номаълум бўлган 200 га яқин янги балиқ турлари ва ўнлаб ўсимликлар топилди.

***

Филиппин маркази Лейте оролидаги қишлоқлардан бирида йирик кўчки оқибатида камида 500 киши ҳалок бўлди, 1 ярим минг нафар одам бедарак йўқолган. Ушбу маълумотларни Associated Press агентлиги тарқатди.

***

Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳридаги 69-ўрта мактабда газдан заҳарланган 10 нафар ўқувчи шифохонага ётқизилди. 11-синфда ўқийдиган бу болаларнинг 4 нафари ўта оғир аҳволда.

Бугун Учқудуқни танимайсиз

Матбуот - ҳаёт кўзгуси

Сўнгги йилларда оммавий ахборот воситаларига кенг эркинлик берилиши, мамлакатимиз раҳбариятининг жамиятни демократлаштириш ва матбуотни ривожлантиришга катта эътибори туфайли бу соҳада йирик ўзгаришлар юз бергани барчамизга маълум. Бунга оддий хусусий газеталарнинг бугун республика миқёсида нашр этилаётганию, вилоят ва туман газеталарига ҳам қизиқиш кескин ортганлигини мисол сифатида келтириш мумкин.

Навоий вилоятининг Учқудуқ туманида нашр этиладиган, яқиндагина ўзининг 600-сонини ўқувчилар эътиборига ҳавола этган «Учқудуқ» газетаси ижодкорлари ҳам республика миқёсида амалга оширилаётган йирик ислоҳот жараёнларининг моҳиятини аҳолига етказиш, туманнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий юксалишида фаол иштирок этиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда. Кейинги пайтларда нашримизда мунтазам равишда эълон қилинаётган ижтимоий мавзудаги турли долзарб мақолалар, аҳоли, айниқса, ёшларимиз маънавиятига таъсир қилувчи материаллар ўқувчиларимизнинг эътиборини ўзига жалб этди. Қолаверса, туманимиз раҳбариятининг эътибори, аҳолининг матбуот билан яқинлашуви натижаси ўлароқ, «Учқудуқ» қўплаб одамларнинг севимли нашрига айланди.

Газетамиз уч тилда — ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида чоп этилади. Ундаги «Журналист суриштируви», «Эшитдингизми?», «Итоги», «Туман янгиликлари» сингари рукнлар остидаги мақолалар қизиқиш билан ўқилади. Газетамизнинг оммалашувида туман ҳокимлиги, прокуратураси, ИИБ, ХТБ, «Маҳалла» жамғармасининг бўлими, туманда танилган шифокорлар ва бошқа соҳа мутахассислари ўзининг катта ҳиссасини қўшмоқда.

2005 йил давомида газетамизда сиҳат-саломатлик, соғлом турмуш тарзи, гиёҳвандликка қарши курашиш, маънавий баркамоллик, миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, шеърият, адабиёт сингари ўнлаб мавзулар диққат марказимизда бўлди. Янги йилдан бошлаб эса Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан кетма-кет таҳлилий мақолалар эълон қилинмоқда. Таъкидлаш керакки, 2006 йилда жамоатчиликнинг ҳомийларга эътибори кучаяётганлиги туфайли бу борадаги ишлар анча жонланиб қолди. Жумладан, «Қулқудуқ» овули ва «Коктапас» қўрғонидаги қишлоқ врачлик пунктлари асосан ҳомийлар ёрдами билан ишга туширилди, шаҳримизда ва ҳар бир ширкат хўжалигида 20 дан ортиқ болалар спорт майдонлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бунёдкорлик ишлари жадал давом эттирилмоқда. Шаҳар марказидаги масжид, мусиқа мактаби бутунлай қайта таъмирдан чиқарилди, 40 хонадонга мўлжалланган уй, туман автошоҳбекати фойдаланишга шай бўлиб турибди. Мактаблар, мактабгача таълим муассасалари, тиббиёт ва дам олиш масканлари, йўллар ва хизмат кўрсатиш шохобчалари доимий эътиборда.

Республикамизда тадбиркорликка алоҳида аҳамият берилаётганлиги боис, маҳаллий бизнес ва ишлаб чиқариш соҳаси ҳам бир маромда ўсиб бормоқда. Учқудуқ туманида хизмат кўрсатиш, озиқ-овқат, янги технологиялар, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги сўнгги йиллардаги ўсиш алоҳида эътирофга сазовордир. Бир қанча корхоналар ривожланиш йўлига чиқиб олгач, тумандаги муаммоларни ижобий ҳал этишга бош қўшмоқда. Масалан, «Зарафшон» қурилиш бошқармаси бунёдкорларининг жонбозлик кўрсатиши билан бир неча йиллардан буён тўхтаб қолган 250 ўринли ётоқхона қурилиши ўз ниҳоясига етказилди.

Аммо бу борада айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Хусусан, нақд пуллар билан ноқонуний муомалада бўлиш, даромадларни солиқлардан яшириб қолиш, таълим муассасаларини олий малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги муаммолар кўпчиликни ўйлантирмоқда.

Умуман, мазкур муаммоларни ҳал этиб, аҳолига муносиб турмуш шароитини яратишда, мамлакат раҳбарияти томонидан олдимизга қўйилган мақсадлар сари одимлашда туман аҳли бир ёқадан бош чиқаряпти. Бу эзгу ишларда бугунгача 600 бор муштарийлар билан дийдорлашган «Учқудуқ» газетаси ижодкорлари ҳам қатнашаётгани қалбимизга ғурур ва ифтихор бахш этади.

Ширин КАРИМБОЕВА,
«Учқудуқ» газетаси бош муҳаррири.

...Биздан бугина

Шу азиз Ватан — барчамизники!

"Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонаси жамоасига республика Мудофаа вазирлигидан мактуб келди. Унда корхона томонидан марказий ҳарбий клиник госпиталга ҳомийлик сифатида берилган компьютер жамламалари учун ватан ҳимоячиларининг миннатдорлик сўзлари ифода этилган эди.

Ер ости бойликларини халқ хизматига бўйсундираётган нефть ва газ қазиб олувчилар Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури доирасида кенг миқёсли ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, Қарши шаҳрида ташкил этилаётган кардиология маркази учун 500 миллион сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Муборак туманидаги тиббиёт муассасаларини ускуналар билан таъминлаш, шифокорларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ҳам корхона раҳбариятининг доимий эътиборида турибди.

— Бундай савоб ишлар бизда яхши анъанага айланган, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Жумақул Қурбонов. — Ўтган йили вилоят ташхис маркази билан ҳамкорлик шартномаси тузган эдик. Бу йил вилоят 1-шифохонаси билан шартнома имзоладик. Умумий қиймати 30 миллион сўмлик келишувга мувофиқ шифокорлар барча ходимларимизни тиббий кўрикдан ўтказишади.

Б.НОРҚОБИЛОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Зангиота туманидаги "Янги ҳаёт" маҳалласи 133-милиция таянч пункти "Намунали милиция таянч пункти" республика танловида ғолибликни қўлга киритди.

ПОК УЙДАН ФАЙЗ КЕТМАЙДИ

Бу маҳалла туман марказидан қарийб йигирма километр узоқликда жойлашган. Танлов ғолиблари билан танишиш истаги туғилди. Қизғин суҳбатимиз асносида ёши улуғ бир отахон бизга шундай мурожаат қилди:

— Газетда ишлайсизми, ўғлим?

— Ҳа отахон, тинчликми?

— Тинчлик, тинчлик, — хотиржам гап бошлади у киши. — Шу, битта мавзу бор, ёзмайсизми?

— Майли, қани айтингчи.

— Маҳалламизда милициянинг бир пункти бор. Ҳозир янги бинога ўтишган. Жуда дид билан қурилганда ўзиям. Айниқса, ёнидаги спорт мажмуасини айтмайсизми? Ёшларга қулай бўлди. Ҳаммаси ҳозир шу жойга қатнашади. Шуғулланишади-да. Устига-устак битта томони, бекорчи бўлиб қолишмайди. Милиция ходимларим яхши ишлашяпти. Шуни айтмоқчийдим.

Отахон бизни маҳалла милиция таянч пунктига бошлаб борди. Бино ёнига яқинлашар эканмиз, унинг чиндан-да чиройли қилиб бунёд этилганига амин бўлдик. Айтишларича, ўтган йили туман ҳокимлиги, ҳомийлар кўмагида маҳалла маркази янгитдан бунёд этилибди. Унинг қошида худди шу милиция таянч пункти, замонавий болалар спорт мажмуаси ҳам қад ростлаган экан. Таянч пункти профилактика инспектори Илҳом Ҳожиевга 8 нафар маҳалла, 4 нафар чегара посбони доимо ҳамкору мададкор. Тарбияси оғир болалар уларнинг доимий назоратида. Муқаддам судланиб, озодликка чиққанларни иш билан таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилаяпти.

— Яқин-яқингача қишлоғимиз ёшлари спорт билан шуғулланиш учун туман марказидаги мажмуаларга қатнашга мажбур бўлишарди, — дейди "Бўзсув" спорт мажмуаси директори Карим Илҳомов. — Болалар спорт мажмуасининг очилиши эса маҳалла ёшларига ажойиб совға бўлди. Бугун бу ерда юзлаб ёшлар спортнинг каратэ, бадиий гимнастика, стол тенниси, шахмат, шашка, баскетбол, футбол, шейпинг тўгаракларида машғулотларда қатнашмоқдалар. Тажрибали мураббийларни ишга жалб этяпмиз. Бадиий гимнастика бўйича Тошкентдан Озода Крановани мураббий сифатида ишга жалб этдик.

Биз сўз юритаётган "Янги ҳаёт" маҳалласи милиция таянч пункти республика танловида ғолибликни қўлга киритди. Улар "Дамас" автомобили билан тақдирланишди. Танлов шартларига мувофиқ, энг аввало, таянч пунктнинг инфратузилмаси, маҳалла аҳли билан ўзаро ҳамкорлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишларга эътибор қаратилади.

Айни пайтда мамлакатимизда уч ярим мингдан зиёд милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 2139 тасида турли тўгараклар ва кичик бизнес шохобчалари, 2793 тасида спорт майдончаси бор. Бу соҳага ҳар томонлама етук, билимдон, тажрибали, одамлар қалбига йўл топа оладиган милиция ходимлари жалб этилгани боис ўтган йили маҳаллаларда бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Республика миқёсида ўтказилаётган турли тадбирлар, кўрик-танловларнинг ҳам ана шу ижобий кўрсаткичларда ўз ўрни бор.

Ватан маҳалладан бошланади. Маҳалла тинчлиги юрт осойишталигини таъминлайди. Ана шундай эзгу мақсад йўлида меҳнат қилаётган "Янги ҳаёт" милиция таянч пункти жонкуярларининг меҳнати эътироф этилиши бежиз эмас. Бундай шараф, ўз ўрнида, уларга катта масъулият юклайди. Масъулият дилдан ҳис қилинган жойда эса, албатта, яхши гаплар айтилаверади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

«Халқ сўзи»га жавоб берадилар

Асфальт Баҳорда бўлади



Когон туманидаги Амир Темур номли қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Юқори Ёбу ва Қуйи Ёбу қишлоқларида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар таҳририятимизга йўллаган хатларида ичимлик сувга ёлчимаётганликлари, шунингдек, ички йўллар нобоплигидан қийналишаётгани хусусида шикоят қилишганди. Ушбу мактуб текшириш ва зарур чора-тадбирлар кўриш учун Бухоро вилояти ҳокимлигига жўнатилганди. Вилоят ҳокими ўринбосари Н.ҲАМДАМОВдан қуйидаги расмий жавоб келди:

"Шикоятда тилга олинган масалалар вилоят ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар мутахассислари иштирокида жойида ўрганилди. Маълум бўлишича, Юқори Ёбу ва Қуйи Ёбу қишлоқларига ичимлик сув илгари Когон чўчқачилик фермасига тортилган диаметри 700 миллиметрли қувурлар орқали етказиб берилган. Бугунги кунда ферма фаолият кўрсатмаётгани туфайли сув таъминоти ҳам тўхтатилган.

Муаммони ижобий ҳал этиш мақсадида туман ҳокимлиги ва туман "Сувоқова" бўлимига мазкур аҳоли пунктларига янги қувурлар тортиш, монтаж ишларини жорий йилнинг март ойигача тўлиқ тугатиш вазифаси топширилди. Шу билан бир қаторда, иккала қишлоқ ҳудудидаги ички йўллар текисланиб, қум-шағал ётқизилди. Айни кезларда намгарчилик юқори бўлгани сабабли уларни асфальтлаштириш юмушлари март-апрель ойларида амалга оширилиши режалаштирилди".

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Тошкент вилояти Зангиота тумани Давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтиб, узоқ вақтдан бери фаолият кўрсатмай, тўлов қобилиятига эга бўлмаган
«ОЗОДА» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ
Тошкент вилояти хўжалик судининг 2005 йил 14 апрелдаги 11-0515-1443-сонли иш ҳал қилув қарорига асосан
БАНКРОТ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН.
Ушбу фирмага тегишли бўлган бурчак тамга ва юмалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ТАШКИЛОТ
«НИССАН» автомобилининг
ҲАР ХИЛ ТУРДАГИ МОДЕЛЛАРИНИ,
шунингдек, Тошкентдаги омбордан барча йўлларга мўлжалланган
«XTrail» ва «Infiniti»
автомобилларини таклиф этади.
МАВСУМИЙ ЧЕГИРМАЛАР
Тўлов шакли — турлича.
Автосервис хизматлари — пул ўтказиш йўли билан.
Тел.: 188-52-92.
Товар сертификатланган. МУЛОҚОТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 138-58-95.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари
Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Навоий кунда керак

«Муножот»нинг илоҳий кучи

Навоий ғазалларига куй басталаб, уни халқ қалбига янада яқинлаштирган инсонлардан бири машҳур бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Имомжон Икромов эди. Унинг ўғли – Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, Ҳамиджон Икромов бу ҳақда шундай ҳикоя қилади:

— 1941 йили Алишер Навоийнинг 500 йиллик таваллуди кенг нишонланиши кўзда тутилганди. Бастакор сифатида отам ҳам бу тадбирга ҳисса қўшмоқчи бўлиб, "Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади" деб бошланадиган ғазалга куй басталайди. Куй оҳангини бой меросга эга бўлган халқ ижодиёти бисотидан қидириб топади. Кейинчалик бу ашула "Муножот" номи билан машҳур бўлиб кетди.

Уруш тугагандан сўнг адабиёт, кино ва театр, рассомчилик соҳаларида бўлгани каби мусиқада ҳам социалистик бунёдкорлик, илғор қурилишлар, оғир индустрия, трактор ва механизатор мавзулари кенг ёритилиши мақсад қилиб қўйилади. Комфирқа марказий қўмитасининг 1946 йили юқоридаги мавзуга бағишланган мажлисида "Муножот", "Чўли ироқ" сингари "феодализм даврини мадҳ этувчи" ашулалар муаллифи отам Имомжон Икромов номига ҳам танқидий гаплар айтилади. Йиғилиш тугаб, ташқарига чиқаётганида эса эшик ёнида турган икки йигит ушлаб олиб кетади. Онам ва акам нима иш содир бўлганидан мутлақо бехабар. Шукрки, Навоий асарининг илоҳий кучиданми ёки отамнинг самимий имон-эътиқоди туфайлими, ҳар ҳолда, қатағон узоққа чўзилмади. Яхши одамлар орага тушиб, отамни озодликка чиқаришди.

Чинакам санъат шайдоси бўлган падари бузрукворим умрининг охиригача Навоий ғазалларини ҳаётининг мазмуни деб билган эди.

Нодир АЛИМОВ ёзиб олди.

СУРАТДА: Имомжон Икромов.

Фарзанд тарбияси — эл назарида

Андижон шаҳрида вояга етмаганлар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари ўтган йили аввалги йилдагига нисбатан 7 тага кўпайган. Ҳеч қаерда ўқимай, ишламай юриб жиноятга қўл урганлар ҳам анча ортган.

Бу каби салбий ҳолатлар «Боғишамол», «Султон Жўра», «Хўтанариқ», 3-сон маҳалла фуқаролар йиғини ўрамида қўпроқ кузатилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёшлар тарбиясига даҳлдор идоралар, кенг жамоатчилик, айрим ота-оналар лоқайдлик, бепарволик, фаолиятсизлик қобиғига ўралашиб қолганлар. Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси фаолияти талабга жавоб бермайди. Ички ишлар бўлимининг вояга етмаганлар билан ишловчи худудий инспекторлари номигагина тадбирлар ўтказишаяпти.

Шаҳар прокуратураси бу каби ҳолатларга кескин барҳам бериш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг қаровсиз ва назоратсиз қолишига йўл қўймаслик мақсадида мутасадди идоралар, хусусан, шаҳар ҳокимлиги ва унинг ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва бандлик бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун» жамғармалари билан ҳамкорликда аниқ режа ишлаб чиқди. Прокуратура биносида «Вояга етмаганлар маркази» учун алоҳида хона ташкил этилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маънавиятимиз зарралари

ЁН ЖОН ҚЎШНИ

Тошкентда нима кўп — реклама кўп, нима кўп — эълонлар кўп. Лекин мен, чорак асрдан буён пойтахтда яшаб, бу каби антиқа эълонга дуч келмаган эдим. «Уй сотилади, — дея эълон берибди Мирзо Улуғбек туманидан бир ҳамшаҳримиз ва уйининг манзилини кўрсатиб, барча афзалликлари ҳақида айтиб ўтгач, шундай сўзларни илова қилиб қўйибди: энг асосийси — қўшниларим яхши одамлар».

Демак, бу киши «Ҳовли олма, қўшни ол» деган ақидага риоя қилувчилар тоифасидан экан-да!» деган фикр ўтди хаёлимдан.

Қўшнининг аслида нима эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да Қўшни — уйлари, ҳовли-жойлари ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оилалар, хонадонлар» — дея таъриф берилади. Қизиқ бир ҳол: Ўзбекистонимизда, масалан, йигирма беш миллион одам истиқомат қиладиган бўлса, уларнинг тенг ярми қолган иккинчи ярмига нисбатан қўшнидир. Сиз шу ҳақда бирон бир марта ўйлаб кўрганмисиз? Бу эса, хоҳлайсизми, йўқми, сизга ўша қўшни бўлган одамга нисбатан қандайдир бир яқинлик, ҳатто, айтиш мумкинки, боғлиқлик ҳиссини юклайди. Ахир кексалар «Қўшнининг еттидан бир ҳаққи бор» деб бежиз айтмайдилар-ку!

Халқимизда яхши қўшничиликка таъбир берилган ҳикматли сўзлар, мақоллар анча-мунча. Мана, улардан энг машҳури: «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши». Аҳил қўшнилар бир-бирларига ака-укадек, ота-боладек яқин ва меҳрибон бўлиб кетадилар, иссиқ-совуқни, оғир-енгилни бирга-бирга кўтарадилар. Шундай қўшнилар борки, бири иккинчисини учтўрт кун кўрмай қолса, худди бир нимасини йўқотгандай бўлиб юришади. Кимнингдир қизига совчи келса, ўша хонадон аҳлининг ким эканлигини, энг аввало, унинг қўшнисидан сўраб-суриштирадилар...

Аксарият вилоятларда, қишлоқ жойларда шундай бир яхши анъана, удум бор. Кимдир бировникига узоқроқдан қадрли меҳмон келиб қолгудай бўлса, ҳалиги хонадоннинг қўни-қўшнилари ўша азиз одамни ўз уйларига бирма-бир чақириб меҳмон қиладилар. Ҳатто бу борада навбатни ҳам белгилаб олишади: «Сиздан кейин меҳмон бизникида чой ичади...»

...Урушдан кейинги оғир йиллар эди. Элас-элас ёдимда: тўқсонга кириб, икки кўздан қолган энам, яъни катта бувим Тиллахон кампир оғирлаша бошлади. У Яратганга омонатини топширадиган дамлар яқин эканлигини ҳамма, шу жумладан биз, кўча чангитиб юрган болалар ҳам сезиб-билиб турардик.

Энам сўнгги соатларида «Юсуф, ўғлим Юсуф! Қайдасан?», — дея нурсиз кўзларини шифтга қадаганча алаҳсирай бошлади. Ҳа, унинг катта ўғли, менинг амаким Юсуф фронтдан қайтиб келмаганди. Катта бувим шу ўғлининг илинжида уч кун жон беролмай ётди. Шунда кимдир ақлли бир гап айтди:

— Онамиз сўқир, кўзлари ҳеч нарсани кўрмайди. Кимдир биров ёнига Юсуф акамиз бўлиб кирса, зора ўшанда...

Ҳамма жимиб қолди.

— Ўлим тўшагида ётган одамни алдаш... Ахир бу катта гуноҳ-ку! — деди кимдир.

Шу пайт ён қўшнимиз, яқиндагина уруш жанггоҳидан қайтган бир оёқли Маъруфхон ака шартта ўрнидан турди:

— Майли, гуноҳкор бўлсам мен бўлақолай. Қўшни энам учун ҳамма нарсага тайёрман. — Шу сўзлар билан кампирнинг ёнига кириб чўккалади ва қўлини ушлаб, аста сўз қотди: — Эна, бу менман, Юсуфман... Мана, етиб келдим ёнингизга...

— Келдингми, болам, келдингми, энди армоним йўқ, — деди энам ва бирданига бўшашиб қолди...

Маъруфхон акамиз жиққа ёш тўла кўзларини четга қадади.

Ана ўшанда мен, ҳали мурғак қалбим билан ҳақиқий қўшни қандай бўлиши лозимлигини илк бор юрак-юракдан ҳис қилган эдим.

Халқимизда «Жон қўшни» деган ибора бор. Бу ибора ҳеч қандай изоҳга муҳтож эмас. Лекин, мингдан-минг таассуфлар бўлсинки, кейинги пайтлар «жон қўшни»га қофиядош бўлмиш «қон қўшни» деган яна бир ибора ҳам пайдо бўлиб қолди. Мазмунининг тубига етиш унча қийин эмас, яъни қонингни ичадиган қўшни...

...Яқинда марказий газеталардан бирида ишлаётган шогирдларим ёнига кириб қолиб, эсдан чиқмайдиган бир воқеага гувоҳ бўлдим. Шифокорлар шаҳарчаси ёнида истиқомат қиладиган, ёши олтмишларга бориб қолган аёл кўзидан дув-дув ёш тўкиб йиғларди. Уни кўрган одам бечоранинг бошига жуда катта кўргулик, фалокат тушибди деб ўйлаши муқаррар эди. Кейин билсам, у бир девор қўшниси устидан шикоят қилиб келган экан.

— Қўшни аталмиш бу муртад мени адойи тамом қилиб бўлди, — деди ҳалиги опа кўзларига ўқтин-ўқтин рўмолча тутиб, — ўн йилдан бери қонимни ичади у. Наҳотки Тошкентдай шаҳри азимда унинг мушугини пишт деб қўядиган биронта идора топилмаса?

Шогирдларим мендан илтимос қилишди:

— Сиз анча-мунча ҳаёт тажрибасига эга бўлган одамсиз, домла, илтимос, шу масалани ўрганиб, бир мақола ёзиб берсангиз...

Бир ҳафта давомида мазкур ишни ўргандим. Маълум бўлдики, таҳририятга шикоят билан келган опа аввалари техникум, ҳозир эса коллеж аталмиш ўрта махсус ўқув юртида дарс бериб, шу ердан пенсияга чиқибди. Ҳозир ҳам ўша ерда анча-мунча дарс бериб турар экан. Бундан ўн йиллар муқаддам уларнинг ёнгинасидаги кичкинагина уйни университет домласи сотиб олибди. Коллеж ўқитувчиси бўлган опа ўз уйини ўн беш йил аввал тиклаган бўлиб, томининг тарнови қўшнининг ҳовлиси томонга ўрнатилган экан. Университет домласи баҳор ва куз ёғингарчилигида ўз ҳовлисига қўшнининг томидан шариллаб сув оқишига чидай олмабди ва опадан томнинг тарновини кўча томонга бориб юборишни илтимос қилибди. Опа қатъий эътироз билдирибди: «Аввалги қўшним бу ҳақда лом-мим демасди-ку! Энди сиз келиб бу ерда ўз «закон»ларингизни ўрнатадиган бўлиб қолдингизми?»

Университет домласи «Ҳап, санимі!» деб қўйган экан. У эски уйни бузиб, ўрнига икки қаватли, йигирма хонадан иборат, уй десак тўғри келмас, сарой кўтарибди. Қоида бўйича икки қаватли уй-жой қуриш учун у ёнидаги қўни-қўшнилар-нинг розилигини олиши керак экан. Лекин ҳеч ким билан ҳисоблашиб ўтиришни ўзи учун лозим кўрмабди. Ўз билганича иш тутибди...

Шундан сўнг коллеж ўқитувчиси бўлмиш опа турли идораларга хат йўллай бошлабди: «Бу одам икки қаватли уй қургач, бизнинг торгина ҳовлимизга умуман қуёш нури тушмай қўйди. Кейин, яхшироқ ўйлаб кўрилса, университетнинг оддий ўқитувчиси бундай шоҳона иморатни тиклаш учун маблағни қаердан олди? Кимдир биров шу ишни текшириш учун келадиган бўлса, бир нарса ҳақида айтиб қўйишни лозим топамиз: бу одамнинг эшиги ёнига боғлаб қўйган овчаркаси 500 доллар туради. Бу ҳам бир факт...»

Иккала қўшни истиқомат қилаётган маҳалла йиғининг оқсоқоли мен билан ярим соат мулоқотда бўлганидан сўнг афсус ила бош чайқади:

— Маҳалламиз йиғининг кейинги пайтда шу иккала қўшнилар жанжалига қозилик қилишдан бошқа иши қолмаяпти. Буларнинг жанжали масаласини туман судлари, шаҳар фуқаролик суди бир неча мартадан кўриб чиқиб, ҳали ҳам бир қарорга келишолмаяпти...

Энг сўнгги маълумотларга қараганда, коллеж муаллимаси университет домласи устидан турли идораларга ҳозиргача 67 та, домла эса қўшни опа устидан 71 та шикоят йўллабди. Уларнинг ручкаларидаги сиёҳ ҳали-бери қурийдиган эмас эмиш...

Шунақа гаплар...

Қўшнилар ўртасидаги аҳилликни йўлга қўйишда, бизнингча, жамоатчиликнинг, биринчи ўринда эса маҳалланинг ўрни беқиёсдир. Чунончи, юқорида келтирилган мисолга қайтадиган бўлсак, кимнинг ким эканлиги, ким ҳаку ким ноҳақлигини ушбу маҳалла фаолларидан, оқсоқолларидан яхши биладиган ким бор? Улар жанжални жимгина кузатиб туриш ўрнига бундай уришқоқ қўшниларни ўзаро муросага келтириш, иккала томонни ҳам қаноатлантирадиган мақбул йўлни излаб топиш чораларини пухтароқ ўйлаб кўришса бўлмасмикан?

...Ҳаммамиз ҳам инсонмиз. Ҳаммамизда ҳам қандайдир инсоний камчилик (майли, қусур демайлик) бор. Шу боис ўзаро кечиримли бўлиш, кези келганда, бир оғиз сўздан қолиш гоҳида дуру гавҳардан ҳам ортиқроқ бўлади. Агар қўшни қўшнининг юрагига йўл тополса, у ҳолда ҳар бир эълонга «Қўшниларим яхши одамлар» дея илова қилишнинг ҳожати қолмайди.

...Мақолага сўнгги нуқтани қўяр эканман, «қўшни» сўзининг луғавий маъносини яна бир бор эсга олдим: «Уйлари, ҳовли-жойлари ёнма-ён ёки яқин бўлган кишилар, оилалар, хонадонлар». Қани энди барчасининг нафақат уйлари, ҳовли-жойлари, балки қалблари ҳам ёнма-ён ёки яқин бўлса», деган ўй келади хаёлимга...

Қодиржон СОБИРОВ.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ

2005-2006 ЎҚУВ ЙИЛИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ БУЮРТМАЛАР АСОСИДА ИШГА ТАҚСИМ ҚИЛИШГА КИРИШМОҚДА.

Автотранспорт ва автотеххизмат корхоналари, автойўл ташкилотлари, касб-хунар коллежлари ва махсус автомактаблар раҳбарларидан, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, вилоятлар ва туманлар ҳокимиятлари, хусусий тадбиркорлардан буюртмаларингизни 1 мартдан кечикмасдан 700060, Тошкент ш., Мовароуннаҳр к., 20-уй манзилига ёки 132-14-80 факсга ёки tadi info @ edu.uz_ электрон почтамизга битирувчига қўйиладиган талаблар ва бериладиган имтиёзларни, контакт реквизитларингизни кўрсатган ҳолда юборишингизни сўраймиз.

ЭЪТИБОРИНГИЗГА БИТИРУВЧИЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ:

Таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари	Жами		Шу жумладан вилоятлар бўйича																											
			Андижон		Фарғона		Наманган		Тошкент ш.		Тошкент вил.		Қ.-Қ. Рес.		Сирдарё		Жиззах		Самарқанд		Навоий		Қашқадарё		Сурхондарё		Бухоро		Хоразм	
	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр	Бакалавр	Магистр
Ер усти транспорти тизимлари (автомобиллар, йўл қурилиши, кўтариш-ташиш машиналари)	165	33	11	2	3	-	2	-	44	16	46	4	3	-	6	-	2	-	16	1	8	4	10	2	4	-	8	-	2	4
Транспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлаш (автомобиль хўжалиги, ташиш, ҳаракат хавфсизлиги, ички ёнув двигателлари)	195	31	9	-	4	-	1	-	63	22	54	2	2	1	2	-	2	1	19	-	4	1	22	4	1	-	6	-	6	-
Электромеханика, электротехнология, электр жиҳозлари	37	7	-	-	-	-	1	-	22	5	7	-	-	-	-	-	-	-	4	-	-	-	2	2	-	-	1	-	-	-
Йўл, кўприклар, транспорт тоннеллари, аэродромлар қурилиши ва улардан фойдаланиш	66	12	3	1	2	-	2	-	30	4	17	5	-	-	-	-	-	-	2	-	3	-	4	2	2	-	1	-	-	-
Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	30	-	1	-	-	-	1	-	16	-	7	-	-	-	1	-	1	-	-	-	-	-	1	-	-	-	2	-	-	-
Иқтисодиёт (иқтисод, менежмент, маркетинг)	88	16	1	-	1	-	-	-	54	10	7	3	2	-	1	-	-	-	3	-	2	1	10	-	2	1	5	-	-	1
Касб таълими педагоглари (автомобиль транспорти)	87	7	1	-	1	-	1	-	48	6	19	-	-	-	-	-	-	-	5	-	1	1	4	-	3	-	4	-	-	-
Жами:	**668**	**106**	**26**	**3**	**11**	**0**	**8**	**0**	**279**	**63**	**156**	**14**	**7**	**1**	**10**	**0**	**5**	**1**	**49**	**1**	**18**	**7**	**53**	**10**	**12**	**1**	**27**	**0**	**8**	**5**

Қадрли ҳамкасблар! **2006-2016 йилларга қабулнинг истиқболли режаларини тузиш учун ҳам буюртмалар беришни сўраймиз. Мулоқот учун телефонлар: 132-14-80 (факс), 132-14-98 (маркетинг бўлими), 133-08-27 (ректорат).**

Спорт

torino 2006

Турин Олимпиадасида

Италиянинг Турин шаҳрида XX қишки Олимпиада ўйинлари совриндорларни аниқлашда давом этмоқда. Фигурали учиш баҳсларида қатнашган вакилларимиз Марина Аганина ва Артём Князов жуфтлигининг мусобақадаги иштироки ҳақида хабар бергандик. Фигурали учиш мусобақасининг яккалик баҳсларида қатнашадиган ҳамюртимиз Анастасия Гимазетдинова ва тоғ чанғичимиз Қайрат Эрматовлар 20 февраль куни ўз омадларини синаб кўрадилар.

Олимпиада ўйинларида ҳозирча АҚШ спортчилари олтита олтин, иккита кумуш ва битта бронза медали билан пешқадамлик қилишмоқда. Иккинчи ўринга бешта олтин, тўртта кумуш ва битта бронза медалига эгалик қилаётган германияликлар кўтарилиб олишди. Учинчи ўринда бешта олтин, иккита кумуш ва тўртта бронза медали билан Россия спортчилари боришмоқда. Австрия, Швеция, Италия, Франция ва Эстония мамлакатлари вакиллари кучли саккизликдан жой олишган.

Руслан кучлилар сафида

Бутунжаҳон бокс ассоциацияси (WBA) профессионал боксда фаолият кўрсатаётган спортчиларнинг янги рейтинг жадвалини эълон қилди. Профессионал боксниг ярим ўрта вазнида қатнашаётган ҳамюртимиз Фарҳод Бакиров ва оғир вазнли боксчимиз Руслан Чагаевлар рейтингда 7-15 ўринлардан жой олишди.

Яна бир нуфузли (WBO) версиясида эса Руслан ҳозирча 7-ўринда бораяпти. Кучли учликни Владимир Кличко (Украина), Тони Жеймс (АҚШ) ва Луан Красничий (Германия)-лар банд этишган.

"Трактор" учинчи ўрин учун курашади

Туркманистонда футбол бўйича президент кубоги мусобақалари бўлиб ўтмоқда.

Турнирда қатнашаётган Тошкентнинг "Трактор" жамоаси навбатдаги учрашувда Душанбенинг ЦСКА клубини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ушбу ғалабадан сўнг ҳамюртларимиз учинчи ўрин учун баҳсларни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритди.

З. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари тиллар ўқитиш методикаси кафедраси доценти Зумрад Абдушукуровага онаси **ҲУРИНИСО аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 457. 34694 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Ҳайдаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — Топширилди — 123456